

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.Ped/27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТҚАМОВА СУМАНБАР АСҚАРОВНА

**ФРАЗЕОЛОГИЗМ МЕДИАМАТНДА ИФОДАЛАШ ВА
БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**
(турли тизимли тиллар газета матнлари асосида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Атқамова Суманбар Асқаровна

Фразеологизм медиаматнда ифодалаш ва баҳолашнинг услубий
воситаси сифатида (турли тизимли тиллар газета матнлари асосида) ... 3

Атқамова Суманбар Асқаровна

Фразеологизм как стилистическое средство экспрессивности и
оценочности в медиатексте (на материале газетных текстов
разносистемных языков) 27

Sumanbar Askarovna Atkamova

Phraseological Unit as a Stylistic Mean of Expressiveness and
Evaluativeness in the Media Text (on the material of newspaper texts of
different system languages) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.Ped/27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТҚАМОВА СУМАНБАР АСҚАРОВНА

**ФРАЗЕОЛОГИЗМ МЕДИАМАТНДА ИФОДАЛАШ ВА
БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**
(турли тизимли тиллар газета матнлари асосида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.3.PhD/Fil1977 раками билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталаida (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешабаева Дилфузা Мўминовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Ганишер Худойқулович
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 раками Илмий кенгашнинг 2022 йил «дф СЕНТЯБР»
коат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик
ҳалқа йўли кўчаси, 21 А-үй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92,
e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (24 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А.уй. Тел.: (99871) 230-12-91,
факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «13 СЕНТЯБР» да таркатилди.
(2022 йил «13 СЕНТЯБР» даги 24-раками реестр баённомаси.)



Г.Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгашини, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгашини, филол.ф.д., профессор

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгашини, семинар
раиен, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига медиатилининг ҳаракатдаги тизим сифатида, унинг жамият, фикр, маданият, сиёsat, мағкура, дин каби соҳалар билан бир қаторда умумий ва хусусий лингвистик қонуниятларини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Медиалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида вужудга келиши, ушбу тил соҳасида фразеологизмларнинг экспрессивлик ва баҳолаш хусусиятларига оид лингвистик воситаларга қизиқишининг ортиши мазкур соҳадаги янги технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Дунё медиамаконининг глобаллашуви медиадискурс тамойилларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш, бу мураккаб ва кўп қиррали жараённи социолингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, лингвоқултурология каби соҳалар билан узвий боғлиқликда турли ракурсда ўрганиш тенденциясини вужудга келтирмоқда. Бу каби ёндашувлар ОАВ тилининг халқларнинг ўзаро барқарор мулоқотини таъминлаш, уларнинг миллий, маданий қадриятлар ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида фразеология соҳасида антропоцентрик йўналишларга оид илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши заминида медиа воситаларини такомиллаштириш ва модернизация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, «Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ ғоят долзарб, кечикириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришни талаб этмоқда»¹. Шунга кўра, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири тенденциялари ва муаммоларини медиалингвистика ва фразеология соҳалари интеграцияси асосида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарблиқ касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»га ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. / <https://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-06-2019>

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий медиа тили ва услубини ҳамда ундаги фразеологизмларни ўрганиш олимларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Медианинг асосий воситаларидан бири бўлмиш газеталарни миллий-маданий фразеологизмлар ва стилистик воситалар билан бойитилиши етарлича компетенцияга эга бўлмаган газетхонга тушунарсиз бўлиши табиийдир, мазкур жараёнга аниқлик киритиш ушбу тадқиқотнинг мақсадларидан биридир.

Медиа тили ва услуби, хусусан, газетани, ўрганиш A. Bell, J. Stokes, Дж. Оруэлл, А. Черных, Т.Г. Добросклонская, Е.В. Евдокимова, А. Бобоева, И. Тошалиев, А. Абдусаидов, Ш.К. Абдураимова, Н. Кодиров, Д. Аҳмедова, Г.Х. Бакиева, Д.М. Тешабаева, М.И. Исраил, В.Г. Костомаров, Т.Г. Добросклонская, С.И. Сметанина, А.А. Тертычный, М.Н. Володина, О.И. Соколова, Ван Хао каби олимларнинг² тадқиқотларида ўз аксини топган.

² Bell A. Approaches to Media Discourse. Wiley-Blackwell, London, 1998. – 304 р.; The Media in Britain. Ed. By Stokes J., Reading A. Macmillan, London, 1999. – 336 р.; Оруэлл Дж. «Политика и английский язык» в сборнике Политическая лингвистика, № 20 – Екатеринбург, 2006. – С. 280-294.; Черных А. Мир современных медиа. М.: Территория будущего, 2007. (Серия «Университетская библиотека Александра Погорельского»). – 312 с.; Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ (Современная английская медиа речь). М.: Флинта: Наука, 2008. – 264 с.; Евдокимова Е.В. Прагматический и лингвокультурологический аспекты перифраз и сходных стилистических приемов в газетно-журнальном дискурсе: на материале прессы Великобритании и США: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Новосибирск, 2007. – 20 с.; Бобоева А. Газета тили ҳақида. – Тошкент, 1983. – 56 б.; Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. – Тошкент, 1995. – 96 б.; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 45 б.; Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 53 б.; Кодиров Н. Семантико-стилистический анализ в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на материале газет и устной речи): Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Ташкент, 2001. – 40 с.; Аҳмедова Д.Р. Форс тили сўз туркумларининг газета матнларидаги функционал ва услубий хусусиятлар: Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 70 б.; Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2012. – 330 б.; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Медиамаконда матн. –Т.: Turon-Iqbol. 2019. – 208 б.; Исраил М.И. ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара: Ўқув қўлланма / С. Шомаксудова, М. Исраил; - Т.: “Иқтисод-Молия”, 2018. – 180 б.; Костомаров В.Г. Наш язык в действии. Очерки современной русской стилистики. – М., 2005. – 287 с.; Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов. – М., 2000. – 288 с.; Сметанина С.И. Медиатекст в системе культуры. Динамические процессы в языке и стиле журналистики конца XX века. – СПб: Издательство Михайлова В.А., 2002. – 384 с.; Тертычный А.А. Жанры периодической печати. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 320 с.; Володина М.Н. Язык СМИ как особый вид социального взаимодействия // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. – М.: Изд-во МГУ, 2004. – С. 11-37.; Соколова О.И. Речевая культура газеты: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Саратов, 2004. – 20 с.; Ван Хао. Строение современных русских газетных текстов: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – М., 2008. – 23 с.

Инглиз, ўзбек ва рус медиаматнарида фразеологиянинг қўлланилишига оид тадқиқотлар В.В. Федоров, Я.Г. Синицына, Т.А. Присяжнюк, М.М. Рыжкова, А.В. Ухтомский, А. Абдусаидов, Б. Йўлдошев, Б. Мирзаев, Ш.К. Абдураимова, Л.И. Молдаванова, А.Н. Зеленов каби олимлар³ томонидан амалга оширилган.

Инглиз, ўзбек ва рус олимларнинг асарларида медиа матнларнинг турли жиҳатлари, шунингдек, улардаги фразеологизмлар нутқни таҳлил қилиш, когнитив лингвистика, контент-таҳлил усуллари ёрдамида, шунингдек, лингвокультурология ва танқидий фикрлаш орқали ўрганилган.

Бироқ, медиаматнларда фразеологизм орқали экспрессивлик ва баҳолашни аниқлашга хизмат қилувчи лингвистик тадқиқотлар турли тизимли, яъни инглиз, рус ва ўзбек тиллар кесимида, амалга оширилмаган ва диссертация тадқиқоти доирасида изланишни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, ўзбек ва рус медиаматнларининг экспрессивлик ва баҳолаш хусусиятларини фразеологизмлар орқали қиёсий-чоғиштирма аспектда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

медиалингвистика бўйича замонавий илмий адабиётларни ўрганиш;

фразеологияни газета матнида экспрессивлик ва баҳолаш обьекти сифатида назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

инглиз, ўзбек ва рус газета матнларида экспрессивликни ифодаловчи муқобил ва муқобилсиз фразеологизмлар қўлланилишини асослаш;

инглиз, ўзбек ва рус газета матнларида экспрессивликни ифодаловчи ўзлашма фразеологизмларни таҳлил қилиш;

³ Федоров В.В. Формирование и развитие фразеологического фонда передовой газетной статьи: (На материале амер. прессы 1970—1990-х гг.): Автореф. дисс. канд. фил. наук / Нижегород. гос. лингв. ун-т. – Н. Новгород, 1998. – 19 с.; Синицына Я.Г. Прагматические параметры экспрессивности английского газетного текста: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Моск. гос. университет. – М., 2003. – 24 с.; Присяжнюк Т.А. Специфика презентации эмоционально-оценочного компонента газетно-публицистического стиля на лексическом уровне: на материале информационных газетных текстов английского и русского языков: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Саратов, 2006. – 24 с.; Рыжкова М.М. Передача прагматической составляющей образных фразеологических единиц в публицистическом тексте (на материале английского и русского языков): Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Тюмень, 2008. – 22 с.; Ухтомский А.В. Фразеологизмы в современной английской прессе. Изд. 2, Москва, 2009. – 160 с.; Абдусаидов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд, 1990. – 120 б.; Йўлдошев Б., Мирзаев Б. Ўзбек тилида фразеологизм сарлавҳаларнинг стилистик хусусиятлари ҳакида (Матбуот материаллари асосида) // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари СамДУ асарлари. – Самарқанд, 1982. – Б. 109-114.; Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштируларнинг вақтили матбуот тилида ўзгара бориши: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 26 б.; Молдаванова Л.И. Лингвопрагматическая характеристика русских фразеологизмов: (Газетно-публ. стиль): Дисс. канд. фил. наук. – Краснодар, 1994. – 216 с.; Зеленов А.Н. Фразеологизм в роли газетного заголовка: Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Вел. Новгород, 2009. – 20 с.

инглиз, ўзбек ва рус газета матнларида фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳамда семантик маъноларини асослаш;

инглиз, ўзбек ва рус газета матнларида ижобий ва салбий баҳоловчи фразеологизмларнинг маъноларига кўра семантик майдонларини аниқлаш.

Тадқиқот обьекти сифатида инглиз, ўзбек ва рус тилларида экспрессив ҳамда баҳоловчи фразеологизмлар танланган.

Тадқиқот предметини инглиз, ўзбек ва рус босма ва электрон газета матнида экспрессив ҳамда баҳоловчи фразеологизмларнинг услубий ва миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотида қиёсий-чоғиширма, семантик майдон таҳлили, тасвирилаш таҳлили, лингвомаданий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилар билан изоҳланади:

инглиз, ўзбек ва рус газета медиаматнларида фразеологизмларнинг муқобиллик ва муқобилсизлик даражасини аниқлаш орқали, уларнинг ижобий ва салбий баҳолашга оид хусусиятларининг семантик майдонларда намоён бўлиши ахборот оқими ва журналистнинг индивидуал касбий компетенцияси билан боғлиқлилиги далилланган;

инглиз, ўзбек ва рус газета медиаматнларида образлиликка эга фразеологизмларнинг троплардан ҳосил бўлиш имкониятларини очиш орқали *метафора*, *метонимия*, *гипербола*, *литота*, *ирония* каби тропларнинг оламнинг лисоний тасвирини шакллантирувчи лингвомаданий хусусиятлари очиб берилган;

эквивалентсиз (муқобилсиз) фразеологизмларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилларга ҳос бўлган мазмун тизимида семантик мувофиқликларга эга эмаслиги турли тизимли тиллардаги газета матнларида қўлланиладиган фразеологизмларнинг ўзлашиш манбаларини аниқлаш орқали (*инглиз тилида* – Инжил, антик мифология, лотин, француз, немис, испан тиллари; *ўзбек тилида* – Куръон, тожик тили, рус тили, инглиз тили; *рус тилида* - Инжил, эски славян тили, антик мифология, инглиз тили, француз тили, немис тили) исботланган;

инглиз, ўзбек ва рус тили газета медиаматнларининг миллий-маданий хусусиятлари экспрессив ва баҳолаш фразеологизмларнинг *мамнуният*, *муҳаббат*, *қувонч*, *омад*, *умид*, *ҳайрат* ва *дўстлик* каби ижобий; *газаб*, *ачиғланиши*, *ўқинч*, *безовталик*, *исён*, *умидсизлик*, *ҳақорат*, *қайгу*, *қўрқув*, *нафрат* ва *омадсизлик* каби салбий концептуал майдонларни аниқлаш орқали исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

инглиз, ўзбек ва рус тиллари газета матнида экспрессивлик ва баҳолашнинг услубий хусусиятлари шакллантирилиб, уларни тилшуносликда ва амалиётда қўллаш мумкинлиги асосланган;

инглиз, ўзбек ва рус тиллари газета медиаматнларида фразеологизмларнинг экспрессивлик ва баҳолашни ифодаловчи восита

сифатида қўлланилишига оид олинган натижалар магистратура ва бакалавриат босқичлари талабаларига медиа тили ва услуби, стилистик воситаларни қўллаш маҳорати бўйича машғулотлар ташкил этишда ва ўқув адабиётларни яратишда методик таъминот базаси сифатида шакллантирилган;

газета медиаматнида миллий дунёкараш ва урф-одатларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи фразеологизмлар экспрессивлик ва баҳолашни англатувчи самарали восита сифатида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хulosаларнинг ишончлилиги, муаммонинг аниқ баён қилиниши, тадқиқот ишида қўлланиладиган ёндашувлар ва усулларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хulosаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек, рус ва инглиз тиллари лексикологияси ва лексикографияси, лингвомаънавиятшунослик, медиалингвистика бўйича назарий манба яратишда, медиалингвистика, дискурсив медиаматн хусусиятларини тилшуносликнинг турли йўналишларида тадқиқ қилишда ҳамда дарслик ва қўлланмаларни қўшимча материаллар билан таъминлашда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти даврий нашрлар тилига ва умуман замонавий тилларни таҳлил қилишга бағишлиланган илмий тадқиқотлар олиб боришида, замонавий газета журналистикаси, стилистика, фразеология муаммолари бўйича умумий ва маҳсус курсларда, газета матнини таржима қилиш амалиётида, газета материалларини ўқиш ва талқин қилишни ўргатишга оид амалий машғулотларда, фразеологик луғатлар, стилистика, фразеология, публицистика, тилшунослик бўйича дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, ўзбек ва рус медиаматларининг экспрессивлик ва баҳолаш хусусиятларини фразеологизмлар орқали чоғиштирма тадқиқ этиш асосида:

инглиз, ўзбек ва рус газета медиаматларида образлиликка эга фразеологизмларнинг троплардан ҳосил бўлиш имкониятларини очиш орқали *метафора*, *метонимия*, *гипербола*, *литота*, *ирония* каби тропларнинг оламнинг лисоний тасвирини шакллантирувчи лингвомаданий хусусиятларига оид натижаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг ОАВнинг лисоний хусусиятларини фразеологизмлар орқали ифодалаш ва улар ёрдамида турли тизимли тиллар медиаматларини уларнинг миллий-

маданий хусусиятларини сақлаган ҳолда таржима қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг 2021 йил 7 июндаги 01-03/760-сон маълумотномаси). Натижада татбиқ этилган материаллар турли тизимли тиллардаги газета медиаматнларида фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

эквивалентсиз (муқобилсиз) фразеологизмларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча тилларга хос бўлган мазмун тизимида семантик мувофиқликларга эга эмаслиги турли тизимли тиллардаги газета матнларида қўлланиладиган фразеологизмларнинг ўзлашиш манбаларига оид хуносалардан 2014-2015 йилларда амалга оширилган И-204-4-5-рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметлардан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида коммуникатив қобилиятни ошириш ва таълим тизими жараёнини мустаҳкамлашга қаратилган услубий тавсияларни ишлаб чиқувчи янги ёндашув сифатида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 21 июндаги 1332/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот материаллари ушбу лойиҳанинг виртуал онлайн луғатларини бойитишга хизмат қилган;

инглиз, ўзбек ва рус тили газета медиаматнларининг миллий-маданий хусусиятларини фразеологизмлар муқобиллиги, муқобилсизлиги ва аналоглар ёрдамида таржима қилишда ҳосил бўлган семантик, прагматик, лингвомаданий жиҳатларига оид хуносалардан ОТ-А1-53-рақамли Давлат илмий-техник дастурлари доирасида «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида яратилган «Written Translation» ва «Consecutive Translation» дарсликларини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 9 июлдаги 04/1540-сон маълумотномаси). Натижада татбиқ этилган тадқиқот материаллари турли тизимли тиллар газета медиаматнларида қўлланиладиган муқобилликка эга фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, халқаро илмий журналларда 1 та, республика ва халқаро анжуманларда 34 та мақола ва тезислар нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 122 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, эришилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилшуносликда медиа тилини ўрганишининг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда олимларнинг мавзуга оид назарий қарашлари ўрганилган. Бугунги кунда медиа воситалари жамиятнинг ижтимоий-маданий, маънавий, иқтисодий, мафкуравий қарашлари учун маълум даражада масъул бўлган яхлит воситага айланиб бормоқда. Медиа воситаларининг интегратив функцияси уларнинг мақсадига оид кўплаб қарашлар, тушунчалар, назарияларни ривожлантиради.

Замонавий медиа воситалари замон талабларига жавоб берадиган манфаат ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жамият учун зарур бўлган маълумотларни эълон қилиб, жамоатчилик фикрининг минбарига айланиб бормоқда. Охирги ўн йилликларда медиа воситалари ва янги коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши тил фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

Медиа тили – оммавий ахборот воситаларининг маъносини ишора ва белгилар ёрдамида оғзаки ёки ёзма равишда етказадиган лингвистик бирликдир. Медиа тилининг бир неча турлари мавжуд: вербал (нутқ), новербал (имо-ишора тили), ёзма (газета, баннер, журнал, веб-сайтлар), визуал (ТВ, Интернет) ва аудио (радио). У кенг аудитория билан яқин алоқада аниқланади.

Ҳозирги вақтда медиа тили маълум бир халқнинг маданияти, анъаналари, лингвистик маълумотларини етказиш воситаси сифатида ўрганилмоқда. Медиа тилини ўрганиш тадқиқчиларни тилшуносликда медиалингвистика деб номланган янги йўналиш – мазкур соҳанинг барча ютуқларини қамраб оловчи бўлим яратишга олиб келди. Бу фаннинг вазифаси медиа воситаларида тилдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳар томонлама, тизимли ўрганишдан иборатдир.

«Медиалингвистика» “media linguistics” атамаси инглиз медиа тили тадқиқотчиси Дж. Корнер (J. Corner⁴) томонидан киритилган. Медиалингвистикани ривожланаётган фан сифатида ўрганар экан, Дж. Корнер⁵ уни кўплаб фанлар кесимида жойлашган деб хисоблайди ва унга оид мавжуд адабиётлар кўп қиррали бўлиб, турли медиа жанрларини, яъни босмадан тортиб визуалгача бўлган барча турларини, ўз ичига қамраб олган деб таъкидлайди.

Медиаматн медиалингвистиканинг асосий воситаси бўлиб, у медиа ва тилнинг қирраларини ўз ичига олади. «Медиаматн» атамаси илк маротаба XX-асрнинг 90-йилларида инглиз олимлари томонидан қўлланилган⁶. Мазкур атама халқаро илмий соҳаларда ҳам, миллий медиа дискурсларида ҳам кенг тарқалди.

Россия илм оламида «медиаматн» атамаси Т.Г. Добросклонскаянинг «Медиаматнларни ўрганиш масалалари»⁷ илмий асарида қўлланилган. Олима медиаматнларининг асосий турлари сифатида қуйидагиларни белгилайди: янгиликлар, ахборот-таҳлилий, публицистик, реклама⁸.

Биз, ўз навбатида, медиаматнларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатишни таклиф этамиз: 1) мақсади лакуна ва реалиялардан фойдаланган ҳолда минтақавий, миллий ва халқаро характердаги ахборотни етказиш бўлган – янгиликлар; 2) таҳлил қилинаётган мавзу бўйича масалани ҳал қилишда таъсир ўтказиш ва фаол иштирок этиш учун аудитория ёки ўқувчиларга қаратилган – таҳлилий; 3) аудиторияни янги маҳсулот ёки ташкилот билан танишириш ва қизиқишини уйғотишга қаратилган – PR матнлари ва реклама.

Медиа соҳасида фаолият юритувчи ҳар бир медиаматн узоқ вақт давомида шаклланган ва у ёки бу турдаги медиа воситаларининг стандартини ифодаловчи ўзига хос дискурсив хусусиятлар тўпламидан иборатdir. Керакли материаллардан хабардор қилиш орқали медиаматнлар аудиторияни тарбиялайди ва унда қизиқиш уйғотади.

Бизнинг тадқиқотимизда медиаматн деганда, кенг аудиторияни фойдали, долзарб ва муҳим маълумотлар билан таъминлайдиган газета матни ва унинг электрон варианти тушунилади. Бугунги кунда, замонавий технологиялар даврида газетанинг электрон нусхасини турли гаджетлар орқали ўқиши мумкин, яъни, газета ҳар қандай шароитда ва ҳар ерда ўқилиши имкони мавжуд.

⁴ Corner J. “The Scope of Media Linguistics”, BAAL Newsletter, 1998. – 188 p.

⁵ Corner J. Documentary television: the scope for media linguistics // Applied Linguistics Across Disciplines. Milton Keynes: AILA Review, 1995. P. 62–67.

⁶ Қаранг: Bell A. The Language of News Media. Oxford, Blackwell, 1991. – 296 p.; Fowler R. «Language in the News: Discourse and Ideology in the Press». London, Routledge, 1991. – 272 p.; Fairclough N. Forthcoming. Language in the media. London: Edward Arnold, 1995. – 224 p.; Montgomery M. An Introduction to Language and Society. by Routledge, 2008. – 304 p.

⁷ Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов: Опыт исследования современной английской медиаречи. Монография. – М.: УРСС Эдиториал, 2005. – 288 с.

⁸ Добросклонская Т.Г. Теория и методы медиалингвистики: Дисс. док. фил. наук, Москва, МГУ, 2000. – С. 15.

Медиаматни, тилнинг функционал услубларида доимий силжиш, шунингдек улардаги содир бўладиган ўзгаришни кузатиш майдони деб таҳлил қилиш мумкин. Олимларнинг фикрича⁹, функционал услублар тил ва нутқнинг умумий томонларини қамраб оловчи лисоний воситалардан фойдаланиш амалга ошириладиган ўзига хос жанрлар билан ажралиб туради. Шундай қилиб, ҳар бир функционал услуг – бу алоқа шаклларининг ушбу соҳасида доимий равиша қабул қилинган маълум жанрлар тўплами. Функционал услубнинг лингвистик томони – бу лингвистик воситалардан фойдаланишнинг умумий принципи, шунингдек, маълум бир давр учун динамиқ, аммо барқарор, ушбу принципнинг амал қилиши натижасида шаклланган функционал услубнинг характерли белгиларига айланган лингвистик воситалар тўпламидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, газетада ҳам, унинг электрон нусхасида ҳам аниқ бир функционал услубнинг мавжудлиги имконсиз. Газета медиаматнида унинг жанрларига кўра барча услублар қўлланилади. Ватандош олимларимиз ва рус олимлари газета жанрларининг уч гурухини ажратиб кўрсатишида.

Илмий ва официал-расмий услублари ахборий жанрларида қўлланилади; адабий-бадиий, қисман, оғзаки ва публицистик услубларидан аналитик/таҳлилий жанрларида фойдаланилади; бадиий-публицистик ва оғзаки услублар бадиий-публицистик жанрлар гуруҳида қўлланилади.

Ҳар бир тилнинг газета медиаматнида талайгина фразеологизмлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мақсади: сўз иқтисоди, такрорланишнинг олдини олмоқ, газетхонда таъсирчанликни оширмоқ кабилардир. Газетада турли фразеологик ўзгаришларни кузатиш мумкин: стилистик усуллар, тиллараро ўзлашиш ҳодисалари, трансформация ҳодисалари, муаллифлик иборалари, архаизмлар, неологизмлар.

Газета матнида қўлланиладиган фразеологизмлар экспрессивликни оширишга хизмат қиласи. Сўзлардан фарқли равиша, фразеологизмлар тилда ва нутқда баҳолашни ифодаловчи образли воситалар сифатида ишлатилади.

Фразеологиянинг экспрессивлиги – «фразеологизмнинг семантик мазмунининг интенсивлигини, хусусиятларини юқори даражада жонли, бўйёқдорликка бой шаклда ифодалаш қобилияти бўлиб, маъновий структурасининг ўзига хос хусусиятлари, семантик структураси ва лингвистик таркиби туфайли ўзига хос идрокни яратиш ҳодисасидир»¹⁰.

Образлилик – фразеологизмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, тасаввурда образнинг шаклланишига хизмат қиласи. Бироқ образлилик барча фразеологизмларга ҳам хос жараён эмас.

⁹ Қаранг: Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе, 1971. – 365 с.; Вакуров В.Н., Кохтев Н.Н., Солганик Г.Я. Стилистика газетных жанров, 1978. – 183 с.

¹⁰ Берлизон С.Б. Выражение экспрессивности и эмоциональности в фразеологических единицах и слове // Вопросы фразеологии. Ч. I. (Труды Сам. ГУ им. Навои, новая серия. Вып. 219). – Самарканд, 1972. – С. 242.

Фразеологизмларнинг баҳолаш хусусияти – уларнинг экспрессив маъносидан олинган сифатdir. Олимларнинг фикрича, баҳолаш фразеологизмлар шаклланишида икки томонлама таъсир кўрсатади: 1) ижобий баҳоловчи фразеологизмлар; 2) салбий баҳоловчи фразеологизмлар.

Диссертациянинг «Газета матнида экспрессив фразеологизмларнинг стилистик қўлланилиши (инглиз, ўзбек ва рус тиллари мисолларида)» номли иккинчи бобида турли тизимли тиллар газета матнларида фразеологизмларнинг стилистик қўлланилиши ҳодисалари ўрганилган.

Образлиликка эга фразеологизмлар ушбу ибораларнинг асл маъноси пайдо бўлган аниқ вазият билан алоқасини сақлаб қолади. Образлиликка эга фразеологизмлар газетхон онгига образ яратиш хусусиятига эга бўлганлиги боис, уларни эслаб қолиш осон ва воқелик билан ассоциация уйғотиш, таассурот яратиш имкони мавжуд. Бинобарин, образли фразеологизмлар фикрни ранг-баранг, ёрқин, тушунарли қилиб ифодалашга қодир.

Юқори ифодалиликка эришиш мақсадида образли фразеологизмларни турли троплар билан ифодаланиши мақсадга мувофиқдир. Фразеологизм ва троплар кўчма маънога, экспрессивликка ва образлиликка асосланган. Фразеологизмдан фарқли ўлароқ, метафора ва бошқа троплар мустақил сўз, ибора ва сўз бирикмаси сифатида муайян бадиий матнга боғлиқ бўлиб ажралиб туриш имконига эга.

Масс-медиада тропларнинг қўлланилиши газетхонга вербал ва новербал характердаги ҳаракатлар танлови имконини беради. Мазкур тадқиқотда газета медиаматнарида фаол қўлланиладиган троплардан метафора, метонимия, гипербола, литота ва ирония ҳодисалари таҳдилга тортилган.

Газета медиаматнида фразеологизмларни қўллашнинг асосий вазифаси, илгари қайд этилганидек, реципиентга таъсир кўрсатиш, экспрессия ва ҳиссиётларни уйғотиш, аудитория томонидан медиаматериални қабул қилиш самарадорлиги ҳисобланади. Фразеологизмнинг контекстда қўлланилиши характеристикиси жанр ва услугга қўра турли бўлади. Миллий характер бирлиги бўлиб, фразеологизмлар, уларнинг лингвистик хусусиятларидан келиб чиқиб, қариндош ва қариндош бўлмаган тилларда берилади. Турли тизимли тиллар фразеологизмлари ўртасида мутлақ ёки қисман эквивалентлик (муқобиллик), калкалаш ва эквивалентсизлик (муқобилсизлик) ҳодисалари кузатилади.

Эквивалентли фразеологизмларнинг асосий хусусиятлари, олимларнинг фикрича, - семантика, лексик таркиб, услуг, образлилик, грамматик тузилиш, услугий бўёқдорликнинг тўла мувофиқлиги билан белгиланади¹¹.

¹¹ Қаранг: Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря (на материале немецкого, узбекского и русского языков): Автореф. дис. канд. фил. наук. – Москва, 1972. – 27 с.; Саломов Г. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1983. – 232 б.; Влахов С., Флорин С.

Мутлак/абсолют эквивалентлик (муқобиллик) фразеологизмнинг қиймати, ички шакли, шунингдек синтаксик ва лексик тузилмасининг ўзига хос бўлишини кўзда тутади.

Тегишли характеристикага эга мутлақо эквивалентлар: **инглиз тили = рус тили = ўзбек тили**: hang by a hair = висеть на волоске = қил устида турмоқ; with great heart = с большим сердцем = улкан юрак билан; from cradle to grave = от колыбели до могилы = бешикдан қабргача.

Инглиз тили медиаматни мисоли: “*One of the biggest reasons the mainstream media kept discounting Mr. Trump during the primary is because of a steady stream of seemingly ‘crazy’ remarks that would spew like hot molten lava from his unscripted lips.*” (The Obs., 03.06.2016).

Рус тили медиаматни мисоли: «*Россиянен и не думал останавливаться, куя железо, пока оно горячо. Серб оказался в точно такой же прострации, в какой в тот момент пребывала футбольная сборная России.*» (АиФ, 19.11.2020).

Ўзбек тили медиаматни мисоли: “*У, яъни Жозеп Бартомеу, Френки иккилана бошлаганини, унинг агенти Али Дурсун ҳам Париж танловини маъқул кўраетганини билганида “темирни қизигида босии” учун ҳал қилувчи музокараларга ўзи боришига қарор қилди.*” (Kun.Uz, 24.01.2019).

Қисман/нисбий эквивалентлик бир хил семантик мосликтининг мавжудлиги билан, лекин фразеологизмнинг компонент қисмида бир оз номутаносиблик мавжуд бўлиши билан белгиланади. Е.Ф. Арсентьева¹² таъкидлашича, нисбий фразеологик эквивалентлар қисман семантик номутаносибликка эга бўлиб, компонент ёки морфологик таркибидаги фарқлар билан тавсифланади. Аксарият ҳолларда фарқлар компонент таркибига оид бўлиб, уларнинг фарқловчи жиҳатлари тушунарлилик ва ўхшашиблик семантикаси билан изоҳланади.

Қисман/нисбий эквивалент фразеологизмлар икки тилда учрайди. Тадқиқотда улар «≈» белгиси билан қайд этилган:

1) **инглиз тили ≈ рус тили**: play the fool ≈ валять дурака; to draw the wool over someone’s eyes ≈ водить за нос; to be on cloud nine ≈ быть на седьмом небе; to hang by a thread ≈ висеть на волоске.

Масалан: “*How millennials have put a spoke in the wheels of Britain’s bicycle shops. Youngsters say cycling is ‘too scary’, bike sales are static and stores are closing, as highlighted by James Corden last week.*” (The Guard., 12.01.2019).

Масалан: «*Для сторонников Трампа представители Демократической партии, на протяжении четырех лет вставлявшие палки в колеса законно избранному президенту, пытающиеся подвергнуть его импичменту, а затем, по их мнению, сфальсифицировавшие итоги выборов-2020, и есть*

Непереводимое в переводе. – Москва «Международные отношения», 1980. – С. 184.; Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. – Казань: Казанский университет, 1989. – 120 с.

¹² Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. – Казань: Казанский университет, 1989. – 120 с.

то самое правительство, препятствующее достижению прав на жизнь, свободу и счастье.» (АиФ, 08.01.2021).

2) рус тили ≈ ўзбек тили: удача улыбнулась ≈ омад кулиб боқди; витать в облаках ≈ осмонда учеб юрмоқ; задирать нос ≈ бурни осмонда; плясать под чужую дудку ≈ бироннинг ноғорасига ўйнамоқ; сам заварил кашу, сам её и расхлёбывай ≈ ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам, ўзинг ейсан.

Масалан: «*Но в принципе повел себя уважительно, без агрессии. Помог расставить фигуры, потому что я после партии был немного не в себе. Когда перестал витать в облаках, увидел, что он уже ушел сдавать тест на коронавирус.*» (АиФ, 09.02.2021).

Масалан: “*Ажойиб кун. Деярли осмонда учеб юрадим. Аммо отамнинг фикрлари бошқачароқ бўлиб чиқди: “Улар қандай гол урганини кўрдингми?”*” (Kun.Uz, 04.10.2020).

Мутлақ ва нисбий эквивалентлар билан бир қаторда, тилларда маъно жиҳатдан яқин, шакл жиҳатдан фарқли фразеологизмлар - «фразеологик аналоглар» ҳам мавжуд.

Уч тилнинг фразеологизмларини қиёслаш жараёнида, икки тилда мутлақ эквивалентлар, учинчисида фразеологик аналоглар мавжуд эканлиги кузатилади. Тадқиқотимизда фразеологик аналоглар «~» белгиси билан қайд этилган:

1) инглиз тили = рус тили ~ ўзбек тили: to stab someone in the back = нанести удар в спину ~ орқасидан пичоқ урмоқ / елкасига ханжар суқмоқ; to burn bridges = сжигать мосты ~ муносабатларни буткул узмоқ / орани очмоқ; a tooth for a tooth = зуб за зуб ~ жонга жон, қонга қон / жон-жахти билан; turn up one's nose = задирать нос ~ бурни қўтарилиган / қўзини ёғ босган.

Масалан: “*Employer had just cause to turn up nose at worker. The termination of a British Columbia worker was not because of bad hygiene related to his disability, but simply poor performance, the B.C. Human Rights Tribunal has ruled.*” (The Guard., 22.06.2017).

Масалан: «*Тот, кто добивается того, чтобы считаться лидером и получить какую-то номинацию, никогда не должен задирать нос, полагая, что он лучшие всех. Как только человек начинает считать, что он лучшие всех, с этого момента он начинает проигрывать.*» (Изв-я, 01.09.2016).

Масалан: “Халқимиз тилида шундай кишилар томон боплаб айтилган иборалар ишга тушади: “**Бурни қўтарилиган**”, “**Кўзини ёғ босган**”, “**Оёқ учida қўрсатади**” ва ҳоказо... Бир пайтлар сизнинг ҳазилларингизни тушуниб, танбеҳу ўгитларингизни қабул қилган таниш инсон мансаб пиллапояларию одамлар эътирофига сазовор бўлгач, биргина танқидингизни қўтаришига куч тополмаётганини кўрсангиз ёки бирор илтимосингизни эътиборсиз қолдирса, ранжишингиз табиий.” (Дарак., 23.09.2017).

2) инглиз тили ~ рус тили = ўзбек тили: one can't make a silk purse out

of a sow's ear ~ горбатого могила исправит = букурни гўр тўғрилайди; as hungry as bear ~ голодный как волк = бўридек оч; chicken-hearted (досл. «цыплячье сердце») ~ заячье сердце = қуён юрак; as two pears ~ как две капли воды = икки томчи сувдек.

Масалан: “*How people interpret that is up to them. And obviously, the way things are and the way - how PC everyone is, people like to make mountains out of molehills.*” (The Guard., 21.10.2019).

Масалан: «*По словам Рудинштейна, 83-летнему актеру будут делать капельницы в течение четырех дней, а потом отпустят домой. Он добавил, что «ничего смертельного» не случилось и кто-то «из мухи слона сделал».*» (АиФ, 14.08.2019).

Масалан: “*Европа Лигаси ярим финалида биз бироз тортишиб қолдик, табиийки, бу ҳолат ОАВ эътиборидан четда қолмади, пашшадан фил ясашиди. Аслида эса, бу ҳолат менинг болаликдаги оддий футбол ўйинларидаги воқеалардан фарқ қиласди.*” (Kun.Uz, 04.10.2020).

Ҳар бир халқ тилида мутаносиблиқ билан бир қаторда ўзига хос бўлган, вариантларга эга бўлмаган номутаносибликлар ҳам мавжуд. Тадқиқотимизда турли тизимли тиллар эквивалентсиз (муқобилсиз) фразеологизмлари таҳлилга тортилган. Эквивалентсиз фразеологизмлар остида (кейинги ўринларда ЭсФ деб юритилади) жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланиши, унинг маънавий ҳаёти асосида қурилган маълум бир тилнинг ифодалари тушунилади. ЭсФ семантикасини англаб тушуниш тасвирий таржима, халқ маданияти билан танишиш орқали амалга оширилади.

ЭсФнинг мавжудлиги лингвокультурологиянинг мавжудлигидан далолат беради, бу биринчи навбатда медиа матн контекстида ишлатиладиган фразеологизм компонентидаги лакуналар ва реалиялардан фойдаланиш орқали намоён бўлади. Буларга қуйидагилар киради:

Инглиз тили ЭсФ – to sit on a powder keg; Bob's your uncle; dog eat dog; go cold turkey; jump the shark; get one's goat; dish fit for the gods; extend the olive branch; blow one's own trumpet; set fire on someone's tie. Масалан: “*I remember we were asked to offer betting on it and the brutal truth is that we found there was absolutely no interest. It didn't ever set the Thames on fire. It was harmless enough but not very exciting.*” (The Guard., 21.10.2010). Мазкур контекстда қўлланилган фразеологизм «кучли ҳис-ҳаяжонга сабаб бўлмоқ» маъносида ишлатилган (бизнинг шарх).

Ўзбек тили ЭсФ – санамай саккиз дема; қарс икки қўлдан чиқади; томоғидан қил ўтмас; данагидан мағзи ширин; чучварани хом санамоқ; тарвузи қўлтиғидан тушди; дўппи тор келди; қилдан қийиқ ахтармоқ; кўз остига олиб қўймоқ; парда қўтарилиб кетди; қоғозга ўраб гапирмоқ; кўза кунда эмас кунида синар; ерга урса, кўкка сапчир. Масалан: “*Мана шу шумоёқ уйимизга келин бўлиб тушганидан буён бу хонадондан файз-барака қўтарилиди. Ўзимнинг топганида ҳам барака йўй. Бу индамас, писмиқ*

яккаю ёлгиз ўгилгинамни бош-кўзини айлантириб, тегиб олди. Энди менинг уйимга келиб, хўжайинчилик қиласми? **Чучварани хом санабди.** Акангнинг ҳам кўзи қаёқда экан билмадим.” (Kun.Uz, 30.07.2016). Контекстда кўлланилган иборалар, биринчиси «хонадон сокинлиги», иккинчиси «натижасини олдиндан башорат қилмоқ» семантик маъноларига эга (бизнинг шарх).

Рус тили ЭсФ – мартышкин труд; дело в шляпе; быть баклушки; точить лясы; оставаться у разбитого корыта; трещать по швам; моя хата с краю; медвежья услуга; вертеться как белка в колесе; водить за нос; перемывать кости; без царя в голове; душа в пятки ушла. Масалан: ««*Нота протеста украинского МИДа – как всегда недействительный и безграмотно составленный документ. Одним словом, филькина грамота, до которой никому нет дела*», - сказал Шеремет.» (Изв-я, 28.08.2020). Мисолда, Дума депутати томонидан, Россия президенти В. Путиннинг Кримга ташрифига қарши Украина ТИВ томонидан тақдим этилган эътиroz хужжатига «фильканинг ёрлиғи», яъни ҳеч қандай кучга эга бўлмаган хужжат деб айтилмоқда. Мазкур фразеологизмнинг семантик маъноси - «саводсизларча тузилган хужжат».

Халқларнинг ижтимоий ва маданиятларо тушуниши бир тилнинг сўзлари, фразалари, фразеологизмлари, ибораларини бошқа тилда ўзлаштириш орқали қўллаш имконини беради. Ўзлашиш жараёни фразеологизмнинг маъносини манба тилидан қабул қилувчининг тилига ўзгармаган ҳолда кўчириш учун амалга оширилади, бу, ўз навбатида, ушбу иборанинг нисбий ғоясини топишга олиб келади.

Масс-медиада, хусусан, газета матнларида доимо учрайдиган ўзлашган фразеологизмларнинг энг муҳим манбаларидан бири бу муқаддас китобдир. **Инжилдаги** аксарият **иборалар** ҳозирги замоннинг фразеологизмларига айлантирилган ва табиатан нейтралдир. Инглиз тили, шунингдек рус тили, медиаматнларида учрайдиган мазкур китоб иборалари қуйидагиларни ташкил этади: milk and honey «дарёларда сут ва бол оқади»; forbidden fruit «такиқланган мева»; on the wings of the wind «шамол қанотида»; broken heart «парчаланган қалб»; wolf in sheep's clothing «қўй терисига ёпинган бўри». Масалан: “**Forbidden fruit:** Australian police seize half a tonne of cocaine hidden in banana pulp. Police allege Mark De Hesselle collected 139 boxes of the pulp and searched through them to remove the drug.” (The Guard., 16.10.2020).

Грек-юнон мифологиясидан олинган ўзлашма фразеологизмлар қуйидагиларни ташкил қиласми: Platonic love «платон мухаббати»; to hang by a thread «қил устида турмоқ»; the lion's share «улкан улуш»; the horn of plenty «мўл-кўлчилик»; winged words «баландпарвоз сўзлар»; Aegean stables «қаровсиз, ташландик жой». Масалан: “*Other candidates may suddenly leap up to win over the febrile, election-traumatised membership. All should be made*

to answer these questions: will you cleanse the Augean stables of the McCluskey-dominated Labour top offices?" (The Guard., 06.01.2020).

Рим мифологияси даврига қуйидаги иборалар мансуб: cut the Gordian knot «Гордиев арқонини узмоқ / ишқол этмоқ»; herculean effort «Геркулес каби кучли бўлмоқ»; trojan horse «троян оти»; bear the palm «ғалаба қозонмоқ». Масалан: “Nowhere is this more apparent than in the book’s central sequence, “*calling a spade a spade*”. Taking as its epigraph a quotation from US poet and singer-songwriter Saul Williams about “the process of healing” from a snake bite, in which one must “spit out the venom again and again” until it is gone, these terse, memorable poems are testament to the best of Chingonyi’s gifts.” (The Guard., 03.11.2017).

Аксарият фразеологизмлар байналмилада характерга эга бўлиб, қатор тилларда учрайди. Қуйидаги хорижий тиллардан олинган фразеологик ўзлашмалар мавжуд: француз тили, лотин тили, немис тили, испан тили. Шунингдек, эртак ва маталлардан ҳам ўзлаштирилган талайгина фразеологизмлар мавжуд.

Инглиз тили фразеологизмларининг ўзлашган манбалари ва уларнинг қўлланилиш фоизи 1-жадвалда келтирилган.

Ўзбек тилида фразеологизмлар ўзлашиши ҳодисаси замонавий тиллардан ва буюк китоб – Куръон матнларидан олинган тайёр иборалардан ташкил топган. Куръондан олинган ўзлашма фразеологизмлар бадиий адабиётда ҳам, медиа воситаларида ҳам фаол қўлланилади. Бу қуйидаги иборалардир: нафсни тоза этмоқ; жаннат ифорини ҳис қилмоқ; гуноҳларни ювмоқ; дўзах ўти; шайтон йўли; олий даража; зулматга чўмган. Масалан: “*Қобил Рамзиiddинов зиммасидаги масъулият қанчалик юксак эканлигини ичичидан ҳис қилса-да, ўзининг фуқаролик мажбуриятини тўлиқ англаган, тўловларни ўз вақтида амалга оширишига шай турган фуқаролар томонидан нақд пул маблағи олиб чиқиб берилганида, мақсади бутунлай ўзгариб, шайтон етovига юрганини билмай қолди.*” (Adolat, №28. 2016).

Рус тилидан ўзлашган фразеологизмлар қуйидагилардан иборат: войти в душу – рухига кирмоқ; жизнь кипит – ҳаёт қайнайди; споры оживились – баҳслар жонланди; плыть по течению / против течения – оқим бўйича сузмоқ / оқимга қарши сузмоқ; рука об руку – қўлни қўлга бермоқ; обменяться мнениями – фикр алмашмоқ; бросить взгляд – назар ташламоқ. Масалан: “*Агар тўрт юз нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланса, бу тўрт юз оиланинг қозони қайнайди, дегани. Тўрт юз оила янада обод бўлади, дастурхони тўкин, келажаги бутун, ҳаёти фаровон бўлади, деганидир.*” (Adolat, №17. 2019).

Тожик тилидан қуйидаги иборалар ўзлашган: обрўи худро резондан – обрўси тўкилди; ба жону дил – бажонидил / чин дилдан; дарди-бедаво – дарди бедаво; ба азоби виждон – виждон азоби; бежои ҳаракат кардан – ҳаракати бежо. Масалан: “*Беморлардан тортиб, шифокорларгача қитмирлик билан ўн бешинчи хонага ишора қилишиар, хақиқий исмим қолиб,*

ҳамма “Ширин” деб чақира бошлаганидан қаттиқ жаҳлим чиқарди. Бунинг ҳаммаси шу дарди бедаво ошиғимнинг иши эканини билсан ҳам,” (Бекаж., 26.08.2020).

Инглиз тилидан, рус тили орқали, медиаматн асосий қисмини ташкил этувчи, нейтрал фразеологизмлар ўзлашган. Улар: golden age – олтин аср «золотой век»; warm welcome – самимий қабул «теплый прием»; international arena – халқаро майдон «международная арена»; leading country – етакчи давлат «ведущая страна». Масалан : “Янгиланаётган Ўзбекистон кейинги уч иилда қўлга киритган улкан ижобий кўрсаткичлар халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг ўтган йилги “Давлат бошқаруви индикатори” да мамлакатимиз 5 та кўрсаткич бўйича ўз ўрнини яхшилади.” (Adolat, №04. 2020).

Ўзбек тили фразеологизмларининг ўзлашган манбалари ва уларнинг қўлланилиш фоизи 1-жадвалда келтирилган.

Замонавий рус тилида фразеологик ўзлашмалар Н.М. Шанский таъкидлашига кўра икки тоифага бўлинади: 1) эски славян тилидан ўзлашган фразеологизмлар, ва 2) Фарбий Европа тилларидан таржима қилинмасдан ўзлашган фразеологизмлар. Биринчи тоифага киравчи иборалар бекёс, нисбатан барқарорлашган ва бутунлай руслаштирилган, иккинчи тоифага киравчи иборалар китобий иборалардан ташкил топган кичик гуруҳдир¹³.

Эски славян тилидан ўзлашган фразеологизмлар маълум ва номаълум, эскирган шакллардан иборатдир. Машҳур эскирган фразеологизмларга қуйидагилар киради: козел отпущения; вкладывать душу; наверстать упущенное; на сон, грядущий; корень зла; соль земли; оставаться у разбитого корыта. Масалан: «Многообещающий режиссёр, призёр фестиваля короткометражных фильмов в Оберхаузене, он оказался у разбитого корыта — и в России, и в Грузии в 1990-е ему мешала фамилия. Жил в Тбилиси, но, после того как был избит у подъезда собственного дома, уехал в США ...» (АиФ, 23.10.2019).

Номаълум иборалар эскирган сўзлар ва архаик грамматик тузилишдан ташкил топган: тьма кромешная; глас вопиющего в пустыне; до скончания века; святая святых. Масалан: «Подводя итоги, стоит сказать, что визит израильского премьера скорее похож на глас вопиющего в пустыне. Европа не показывает никаких симптомов того, что готова давливаться под США ...» (Изв-я, 04.06.2018).

